



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти

«Давлат кадастрлари» кафедраси

**ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИДА  
ЕР КАДАСТРИ**

Тошкент – 2017

# РЕЖА: БЕЖА

1. Давлат ер кадастри тушунчаси ва унинг асосий вазифалари.
2. Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари.
3. Давлат ер кадастрини юритиш тамойиллари.
4. Давлат ер кадастрининг ДКЯТдаги ўрни.



# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Давлат ер кадастрини юритишнинг ҳуқуқий асослари

- Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси** (1998 йил 30 апрель);
- Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат ер кадастри тўғрисида**”ги Конуни (1998 йил 28 август);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “**Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида**”ги 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “**Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом**” ва бошқалар.

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Давлат ер кадастри тушунчаси

Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у ер участкаларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

## Давлат ер кадастрининг асосий вазифалари

Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириш, тизимлаштириш, саклаш, янгилаш ва фойдаланувчиларга ишончли ва тежамли ер кадастри ахбороти бериш ҳисобланади.

# **ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИ МАҚСАДИ**

- Ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер түғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ердан оқилона фойдаланиши, қайта тикаш ва муҳофаза қилиши, ер тузишни ташкил этиш, ер учун ҳақ түлаш миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган.

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Давлат ер кадастрини юритиш тамойиллари

- республиканинг бутун ҳудудини қамраб олиш;
- фазовий координатларнинг ягона тизимини қўллаш;
- ер кадастрига доир ахборот ишлаб чиқилиши услубиётининг бирлиги ва узлуксизлиги;
- ер кадастри ахборотининг ишончлилиги ва тежамлилиги
- марказлашган раҳбарлик.

## Давлат ер кадастрини юритишда ахборотларни олиш усуллари

Аэрокосмик суратга олиш, топографик-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник тадқиқотлар ва бошқа тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш, ерларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиниши ва баҳоланиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг **ер участкалариға бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан таъминланади.**

# **Давлат ер кадастрини юритиши**

**“ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР” ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари

Туман ва шаҳарлар ер ресурслари ва  
давлат кадастри бўлимлари

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Норматив – ҳуқуқий база



## Давлат ер кадастрининг юритилиш схемаси

### “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари

Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари

## Давлат ер кадастрининг объекти

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди давлат ер кадастрининг обьекти хисобланади.


Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 8-моддасига мувофиқ ер тоифалари қўйидагилар:

- қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар;
- аҳоли пунктларининг ерлари;
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- табиатни муҳофаза килиши, согломлаштириши, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга мөлек ерлар;
- ўрмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- заҳира ерлари.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат ер кадастрини юритиш тўсрисида”ги 31.12.1998 й. 543-санти Карори

## Давлат ер кадастрининг ГАТ қатламида кўриниши



# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Давлат ер кадастрининг объекти

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди давлат ер кадастри объекти ҳисобланади.

### Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида давлат бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.**

**«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун, 5-модда**

## Давлат ер кадастри ҳужжатлари

Ер кадастри ҳужжатлари ер участкаларига бўлган ҳукуқни тасдикловчи ҳужжатлар, туман (шаҳар) ер кадастри китоби, ерларнинг миқдор, сифат ҳолати ва уларнинг баҳоси тўғрисидаги ҳисботлар, кадастстр хариталари, планлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлардан иборатdir.

**Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги Қонуни**

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ МАЗМУНИ

## Қуидагилар давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ташкил этали:

- Ер участкаларига бўлган ҳуқуqlарни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- Ер микдори ва сифатини ҳисобга олиш;
- Тупроқ бонитировкаси;
- Ерларнинг норматив қийматини баҳолаш.

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш

Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқукини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқукини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқукини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқида, шунингдек мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатига олиниши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиши тартиби тўғрисида Низом”,*

*“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган, Адлия вазирлигида 1999 йил 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби тўғрисида Йўриқнома” асосида амалга оширилади.*

# ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ХУКУКЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ РЕЕСТР КИТОБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
1998 йил 31 декабрдаги “Давлат Ер кадастрини юритиш  
тартиби тўғрисидаги ” 543 –сонли қарори билан  
тасдиқланган Низоми

# НИЗОМНИНГ 16-БАНДИ

- Ер участкаларига бўлган хуқукларни давлат рўйхатидан ўтказиш натурада ер участкалари чегаралари аниқлангандан, расмийлаштиришнинг рўйхатдан ўтказиш йиғими тўлангандан ва ҳужжатлар берилгандан кейин туман (шаҳар) ер кадастр дафтарини таркиби ҳисобланган ер участкаларига бўлган хуқуклар реестрида амалга оширилади.

# ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ХУКУҚНИ РҮЙХАТГА ОЛИШ ХАҚИДАГИ АРИЗА ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕЕСТРИ

1-ИЛОВА

Т.р	Ариза берувчини номи	Ариза ва хужжатларнинг қабул қилинган сана	Ер участканинг манзили	Рўйхатга олиши мазмуни(сабаб и) ва хужжатлар номи	Хизмат ҳақини тўлаганилиги ҳақидаги белги	изоҳ
1	2	3	4	5	6	7

# ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ХУКУКНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИГА ОЛИШ

2-и́лова

Т.р.	Ер участка сини	Хукук згаси,	Ер участк ани жойна шган	Ер участк асини хукук и	Хукук урнаги шган	Ер участк асидан фойда	Ер участк асига	Серви- туттар	Ер участк асини нг коорд ината вазми илиги	Майдо ни га ёки м2	—й.—	Холатига Ер кадастри бахоси	Бино ишшоо тиар түгрис ида маълу мотла р	Ер солиги минта қаси коэффициен ти санаси	Баҳсла шув савонла рсана	Қандай қаерда батагифшил бўлган хужжатлаптириш(кадастр хужжатларни тартиб рақами)маял умотлари мавжуд
		Юрид ик ва жисмо ний	манзи ли	Хужж атни номи, қачон ва ким томон идан беринг ан	иниш мақса ди	бўлган хукук нинг чеклан иши										
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

## А. Асосий рүйхатдан ўтказиш

## Рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи шахснинг имзоси

## **Б. Жорий рүйхатдан ўтказиш**

Рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи шахснинг имзоси

# ДОИМИЙ ЭГАЛИК ХУҚУҚИГА ЭГА БҮЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЕЕСТРИ

З-илова

Т.р.	Юридик ёки жисмоний шахслар номи	Давлат реестрининг варақ №, ер участкасининг рақами	Манзили	Изоҳ
1	2	3	4	5

# **ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ХУКУҚИГА ЭГА БҮЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЕЕСТРИ**

**4-илова**

Т.р.	Юридик ёки жисмоний шахслар номи	Давлат реестрининг варак №, ер участкасининг рақами	Манзили	Изоҳ
1	2	3	4	5

**МЕРОС КИЛИБ КОЛДИРАДИГАН УМУРБОД ЭГАЛИК КИЛИШ  
ХУҚУҚИГА  
ЭГА БҮЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЕЕСТРИ**

**5-ИЛОВА**

Т.р.	жисмоний шахслар номи	Давлат реестрининг варақ №, ер участкасининг рақами	Манзили	Изоҳ
1	2	3	4	5

# МУДДАТЛИ ФОЙДАЛАНИШ ХУКУКИГА ЭГА БҮЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЕЕСТРИ

6-илова

Т.р.	Юридик ёки жисмоний шахслар номи	Давлат реестрининг варак №, ер участкасининг рақами	Манзили	Изоҳ
1	2	3	4	5

# ИЖАРАДА ФОЙДАЛАНИШ ҲУКУҚИГА ЭГА БҮЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ РЕЕСТРИ

7-ИЛОВА

Т.р.	Юридик ёки жисмоний шахслар номи	Давлат реестрининг варақ №, ер участкасининг рақами	Манзили	Изоҳ
1	2	3	4	5

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш **асосий** ва **жорий** турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг **асосий тури** (инвентаризация) жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг **жорий ҳисоби** кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг хуқуқий ҳолатида, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади. Зиммасига давлат ер кадастри юритиш вазифаси юклатилган тегишли органларга ер участкаларининг эгалари, улардан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулқдорлари содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот беришлари шарт.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, майдон турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

## Тупроқ бонитировкаси

**Тупроқ бонитировкаси** - қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртacha даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик кувватига бериладиган қиёсий баҳо.

Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкий пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Яхши хоссаларга эга бўлган, ғоят унумдор тупроқ юқори балл билан баҳоланади.

Тупроқ бонитировкаси доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

*Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган, Адлия вазирлигига 1999 йил 18 май 732-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида тупроқ бонитировка ишларини ўтказиш ва хужжатларни расмийлаштириши бўйича тартиб» тупроқ бонитировка ишларини ташкил қилиш, ўтказиш, келишиш, хужжатларни расмийлаштириш ва фойдаланувчиларга ахборот тақдим қилиш тартиби белгиланган.*

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

## Ерларнинг қиймат баҳоси

Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади.

Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошди савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган заарларни қоплаш учун ерларнинг қиймат баҳоси чиқарилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

# ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қишоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2006 йил 19 апрелда 1563-рақам билан рўйхатга олинган **“Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномаси”**га биноан амалга оширилади.

**Ерларни иқтисодий баҳолаш - ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги солиштирма қийматини аниклаш демакдир.**

**Ерларни иқтисодий баҳолаш** - тупрок бонитировкасининг маълумотлари асосида хамда қишлоқ хўжалик майдонлари ишлаб чиқариш курсаткичлари, жойлашган урни ва сув билан таъминланганлик даражалари асосида сугориладиган ерларда амалга оширилади.

Иқтисодий баҳолаш ерни қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида киймат баҳосидир.

**Ерларнинг меъёрий баҳоси** асосан ер солиги ставкаларини аниклаш, белгиланган меъёрда ажратилганидан ташкари қишлоқ жойларида шахсий уй-жой куриш ва дехкон хўжалигига ер бериш, банк томонидан кредит ажратиш, ер участкаларини ким ошди оркали сотиш учун бошлангич баҳоси хамда конунда тутилган бошка холлар учун кулланилади.

Массивда сугориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш куйидаги тартибда амалга оширилди.

# **Ерлари меъёрий баҳолашнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат **Йўриқномаси.** («Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг 16.02.2006 й. N 19. буйруғи билан тасдиқланган, Адлия Вазирлиги томонидан 19.04.2006 й. N 1563. рўйхатга олинган)



**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ !**